

Фарзандларнинг гуноҳларига ота-оналар шерикмилар?

14:49 / 26.04.2016 3770

Номаи аъмол неча ёшдан ёзилишни бошлайди ва фарзандларининг гуноҳларига ота-оналар ҳам шерикмилар?

Номаи аъмол ёзишда ёш белги эмас, балки балоғатга етганлик белгидур. Ўғил болаларни балоғатга етиши эҳтилом бўлиш билан яъни тушда булғаниш билан бўлади. Қиз болаларнинг балоғатга етганликлари ҳайз кўриш билан бўлади. Ана шу муддатдан бошлаб номаи аъмолга уларнинг ҳам қилган савобу гуноҳлари ёзилишни бошлайди. Шариат буюрган амалларни қилишга мажбуриятлари ишга тушади. Намоз ўқиб рўза тутишлари ва бош-қа ибодатларни адо этишлари фарзи-фарз, вожиби-вожиб, суннати-суннат бўлади в.х.к. Демак бу ерда ёш асосий омил эмас, асосий омил балоғатга еиганликдур. Кўпинча юртларда ёш билан чегаралаб қўйиш ўзларини ўша вақтдаги одамларига қараб бўлган, мисол учун қизларга 9 ёшдан, ўғил болаларга 12 ёшдан деган нарса тарқалган кўпчиликни ичида, лекин бу бир тахминий ҳолат бўлади. Аслида балоғатга етиш билан инсон мукаллаф бўлади ва балоғатга етиш аввалги айтиб ўтганимиздек ўғил болаларда эҳтилом бўлиши билан, қизларда ҳайз кўриш билан бўлади. Энди фарзандлар тарафидан гуноҳ содир этилган бўлса, ота-оналар уларга тарбия бермасдан ўз масъулиятларини адо этмасдан гуноҳларига рози бўлиб қараб турганликлари маъносида албатта масъул бўладилар. Лекин фарзанд бир ишни қилсаю, ота-она тарбияни қилиб ўзини масъулиятидаги ҳамма нарсани адо этиб қўйган бўлса, фарзанди отасига билдирмай онасига билдирмай қилган гуноҳ бўлса, албатта фарзанд ўзи демак гуноҳини жавобини беради.